



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хазорасп туман ҳокими

У.Машарипов

« » 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хазорасп тумани 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

1.2 Танлов охириги қиймати 77 550 000 (етмиш етти миллион беш юз эллик минг) сум ҚҚС билан. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича галиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 кун ичида.

1.5 Ишларни бошлаш муддати — шартнома тузилган кундан бошлаб ҳисобланади аванс белгиланган 30 %ни ташкил қилади.

1.6 Ўтказиб берилган шартнома ва ём маҳсулотидан келиб чиқиб шартнома суммасидан кўп бўлмаган миқдорда аманга оширилади агар 2022 йил охиригача ҳисоб фактурага асосан бажарилган иш ёки ўтказилган маҳсулот суммаси шартнома суммасидан оз бўлса ҳам шартнома тўлиқ бажарилмаган деб ҳисобланади.

2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Ҳазорасп туман ҳокимлиги (бундан кейин буюртмачи деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани Э.Ғаязов кўчаси 32 уй

Эладрес:

2.2 Танлов Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тарзда ўтказилади

2.3 Танлов Ҳазорасп туман ҳокимлиги Буюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатда ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунида маҳсулот, иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камда 30% миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк қаролатномаси, ишлар хизматларни маҳсулотларни ўтказиш бажариш учун зарур бўлган меҳнат(ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги: Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов ишларига ўхшаш ишларни бажарганлик тажрибаси мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмиари тўғрисида маълумот; Низом гувоҳнома маблағ миқдори устав фонд.

3.3 Агар танлов предмети бўлган маҳсулотлар ишлар хизматларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилиққа биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш, (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассасалик қилинув, молиявий

иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлиги.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1 Иштрокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли шловалар ва ҳужжатлар, Маълумотлар Буюртмачи ва иштрокчи ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;

-Тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига ва маълумотларнинг ҳақонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштрокчилар учун таалуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунига узайтирилиши мумкин;

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиш қарори асосида амалга оширилади;

5.3 Танлов муддатини узгартириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим;

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар;

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштрокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир;

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. Бошқа шартлар

7.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамда 3 кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (товарни, ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўймайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қамда 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади;

7.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қондаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб

тушган санадан эътиборан 2 иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак:

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш байённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан 3 иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади:

7.4 танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш байённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан 3 иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт:

7.5 танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ИЛОВА

Товар бошланғич нархлари

Номи	Тури	сон	Доња Суммаси	Жами суммаси	Изоҳ
1 Киз болалар учун мактаб форма	комп	235	330000	77550000	9 синфдан 11 синфгача булган киз болалар учун хар бирининг уйига борган холда улчами олиниб тайёрлаб уйига етказилиб берилиши керак
Жами сумма					77 550 000сўм

Хазорасп туман хокими



У.Машарипов



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Хазорасп туман хокими

У.Машарипов

ТЕХНИК ТОПШИРИК

1	Буюртмачи	Хазорасп туман Хокимлиги
2	Хизмати тури	Хазорасп туманида яшовчи Аёллар дафтарига киритилган хотин-кизларнинг 9-синфдан 11-синфгача фарзандлари учун жами 235 нафар киз укувчиларга хар бирининг улчамини олган холда мактаб формаси тикиб бериш
3	Танлов тури	Очик танлов
4	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили	https://e-tender.uzex.uz энг яхши таклифлар
5	Танлов ўтказиш манзили, жойи ва муддати	Хазорасп туман Хокимлиги (Хазорасп туман Э.Гаязов кўчаси 32 уй), (0362)33-25-201. Танлов тугагандан кейин 5 (беш) иш куни мобайнида бўлиб ўтади
6	Буюртмачи томонидан бажарувчи ташкилотига (хўжалик юритувчи субъект) кўйиладиган талаблар;	1. Мактаб формаси комплектида 1 та юбка, 1 та жакет ва 1 та курткадан иборат. 2. Мактаб формаси 235 нафар укувчининг хар бирининг уйига борган холда улчамини олиб тайёрлаб бериш шарт; 3. Хизмат курсатувчи ташкилот формаларни 2 кун ичида тайёрлаб хар бир хонадонга етказиб бериши керак; 4. Хизмат курсатувчи ташкилот муддатида тайёрлаб етказиб бериш учун етарли ва зарур техникаларга, малакали ишчи ходимларга эга булиши шарт;
7	Танловда иштирок этишга куйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади	Ушбу фаолият бўйича тажрибасига эга бўлиши, Молиявий ахvoli барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаган ташкилотлар иштирок этадилар. Малакали ходимлага эга бўлишлари шарт

Хизмат кўрсатиладиган муассаса номи	Хазорасп туман хокимлиги
Манзили	Хазорасп туман Э.Гаязов кўча 32-уй
Жами формалар сони	235 та